
“НАВРЎЗ” БАЙРАМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

“Наврўз” янгиланиш ва муроса фасли бўлиб, у оилаларга ўз мерос ва маданиятларини байрам қилиш, ўтган ўн икки ой ҳақида фикрга чўмиш ҳамда келажакка умид билан боқишга имкон беради. Энг севимли, энг гўзал баҳор байрами ҳали-ҳануз Риштонда ҳукмрон.

Бугун туманидаги 30-сон мактабгача таълим ташкилотида “Наврўз – янгиланиш, меҳр-оқибат ва кадр-қиммат байрами” номли байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бўлинмаси кенгашининг раиси Э.Абдуллаев, туман мактабгача таълим бўлими мудири М.Дадажоновалар иштирок этиб, барча тарбиячиларни Наврўз умумхалқ байрами билан қутладилар.

Тадбир доирасида “Миллий таомлар”, “Миллий либослар” ва “Миллий ўйинлар” номинациялари бўйича танловлар ташкил этилди. Мактабгача таълим ташкилоти ходимлари барча номинациялар бўйича фаол иштирок этдилар.

Риштон туманининг барча мактабгача таълим ташкилотларида янгиланиш ва яшариш айёми – “Наврўз” умумхалқ байрами сайллари турли тадбирлар, учрашувлар, сайллар кўринишида давом этмоқда.

2022-03-31 15:10:03